

Чоп этиш учун тавфсия этилади

Илмий раҳбар:

К.Беҳзод номидаги МРДИ

“Музейшунослик” кафедраси мудири

Камала Нишанова _____

*К.Беҳзод номидаги МРДИ
“Музейшунослик” кафедраси
II-босқич магистранти
Дилором Ашурова*

Ўзбекистон санъати дунё музейларида

Ўзбекистонга оид маданий бойликлар тарихнинг турли сиёсий тузумлари оқибатида чет давлатларга олиб чиқиб кетилган ёки бўлмаса ҳадя этилган. Бунинг натижасида эса, Ўзбекистон маданиятига оид бўлган бойликларни дунёга машхур барча музейларида кўришимиз мумкин. Уларни ўрганиш, тадқиқ этиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш марказини ташкил этиш тўғрисида” ги 2017 йил 20 июнидаги ПҚ-3074-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш марказини фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 2017 йил 5 сентябрдаги 700-сон қарори асосида марказ ўз фаолиятини амалга ошириб келмоқда.

Қисқа муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш маркази Ўзбекистондаги ҳамда хорижий ташкилотлар билан Англашув меморандумларини имзолаб, биргаликдаги фаолиятини ошириб келмоқда. Жумладан, 2018 йил Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Ўзархив” агентлиги, Ўзбекистон Бадиий Академияси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси, Ўзбекистон Республикаси

Маданият Вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси билан ҳамкорлик мақсадида Англашув меморандумлари имзолади.

Марказ фаолияти асосан хориждаги Ўзбекистонга оид маданий бойликларни тадқиқ этишга йўналтирилганлиги сабабли, шу кунга қадар, Буюк Британиядаги Оксфорд ислом тадқиқотлари маркази, Буюк Британиядаги Кембриж Марказий Осиё форуми, Россия Федерал давлат бюджет маданият муассасасининг “Россия этнография музейи”, “Россия давлат кутубхонаси” Федерал давлат бюджет маданият муассасаси, Татаристон Фанлар Академияси Г.Ибрагимов номидаги тил, адабиёт ва санъат институти, “Россия мусиқа миллий музейи” Федерал давлат бюджет маданият муассасалари билан Англашув меморандумлари имзолаб, биргаликдаги фаолиятларини амалга ошириб келмоқда.

Айнан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш маркази ташаббуси билан Ўзбекистон Бадиий Академияси, Ўзбекистон Давлат тарихи музейи, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Ўзархив” агентлиги ҳамда Россия Федерал давлат бюджет маданият муассасасининг “Россия этнография музейи” ташкилотлари билан ҳамкорликда 2018 йилнинг 29 ноябрида Тошкент Фотосуратлар уйида “Евросиё халқлари оила этномаданияти (XX аср)” номли фотоқўргазмасини ташкил этди. Ушбу фотоқўргазма орқали, XX аср халқлар орасидаги боғлиқликлар, ижтимоий ҳаёт намоиши этилган. Шунингдек, фотосуратлар тарихи ва баийлик жиҳатидан юқори қийматга эга эканлиги намоён этилди.

Россия этнография музейи тарихи 1902 йилда Рус музейи таркибида этнография бўлимининг очилиши билан бошланади. Мазкур бўлимнинг очилишида С.Ф. Ольденбург, П.П. Семенов-Тянь-Шанский, В.В. Бартольд, В.В. Радлов, В.В. Стасов каби таниқли олимлар иштирок этишган. Улар келгусида ўзлари ва издошлари учун ҳар бир халқнинг миллий ўзига

хослигини, турмушининг ички ва ташки ўзига хос қирралари билан тадқиқотчиларни хайратга сола оладиган этник қиёфани акс эттиришни мақсад қилиб олган эдилар. Бу масалани хал этиш учун анъанавий халқ маданиятининг ҳақиқий буюмларини кўлга киритиш ва сақлаш лозим эди¹.

Музей ўзининг бир асрдан кўпроқ тарихи мобайнида коллекцияларни шакллантириш ҳамда илмий-тадқиқот ишларида амалга ошириб келган. Бу давр музей ривожланиши учун ёрдам берган ижобий ходисалар билан бир қаторда фожиали воқеалар ҳам бўлиб ўтган. 1914 йилда этнография бўлими коллекциясини доимий сақлаш учун қурилган махсус бинога кўчириб ўтказишган (В.Ф. Свиньиннинг архиви). Мазкур бино 1923 йилдан барча томошабинлар учун очилган. Ўзининг бой хазинаси ва экспозиция ишлари туфайли 1934 йилда унга Давлат Этнография музейи мақоми берилган, 1991 йилда эса у Россия этнография музейи номини олди. Бироқ Иккинчи жаҳон уруши йилларида музей оғир кунларни ҳам бошидан кечирган. Музей биноси устига тушган бомбалар бино ва мамлакатнинг хавфсиз ҳудудларига кўчириб улгурилмаган экспонатларнинг бир қисмини нобуд қилган.

Бугунги кунда музейдаги экспонатлар сони ярим миллиондан ошади. Улар 200 дан ортиқ халқларнинг ашёвий ва фото иллюстрацияли ёдгорликларидан иборат. Шулар қаторида, Ўзбекистонга оид коллекциялар ҳам ўрин олган бўлиб, уларни тадқиқ этиш ўрганишга кўплаб олимлар ўзларини қизиқишларини билдирадilar.

Россия Этнография музейидаги Ўзбекистонга оид коллекцияларнинг пайдо бўлиши, 1900 йилдаги этнография бўлимининг илк экспедицияси Ўрта Осиёга йўналтирилгани натижасида пайдо бўла бошлайди. Ўша даврларда Ўрта Осиё ҳудудининг маҳаллий халқлари турмуш тарзи, маиший ва маданий ҳаёти, бу маданиятнинг бетакрор қиёфасини экс эттирувчи буюмлар дунёси яхши ўрганилмаган эди. Мазкур экспедиция бу ҳудудни илмий ўрганиш ва уни бошқа халқларга таништиришда муҳим қадам бўлган. Ушбу экспедиция В.В.Бартольд, В.В.Радловлар назорати остида бўлган.

¹ Россия этнография музейи. 2002 й. 11-12 б.

В.В.Радлов раҳбарлиги остида С.М.Дудин томонидан сафар дастури тузиб чиқилгач, этнография бўлимини ҳам ўз ичига олган Рус музейи бошқарувчиси Буюк князь Георгий Михайлович томонидан дастур тасдиқланди².

Экспедиция доирасида Ўзбекистон ҳудудларидан Самарканд, Бухоро ва Тошкент воҳалари ҳамда Фарғона водийлари қирган. С.М. Дудин томонидан Ўзбекистон халқларининг турмуш маданиятига тегишли 2000 дан кўпроқ буюмлар, шу жумладан турли меҳнат қуроллари, деярли барча турдаги маҳаллий касб - ҳунарларга оид бўлган ускуна ва ашёлар намуналари, кийим-бош ва тақинчоларнинг ушбу ҳудудга хос бўлган кўринишлари, уй-рўзғор буюмлари ва уйнинг ички безакларига оид нарсаларни тўпланган.

1930 йилда музейга кўпгина шахс ва коллекциянерлар томонидан қимматбаҳо экспонатлар келиб тушган. Улар орасида ўзбеклар турмуш тарзи учун катта аҳамиятга молик бўлган қимматли ва керакли буюмлар - XIX асрдаёқ ўзининг бадиий қадр-қимматига кўра коллекциянерлар эътиборини тортиб улгурган нақшинкор ярим ипак матолардан тикилган чопонлар, заргарлик буюмлари, гиламлар бўлган. Ана шундай ўзбек заргарлик ва мискарлик буюмлари коллекцияларидан бири Псковлик коллекционер Ф.М.Плюшкиннинг ворисларидан музей учун Николай II нинг шахсий маблағлари ҳисобига сотиб олинган³.

1927-1928 йилларда рассом А.С. Мелков томонидан тўпланган, XIX аср охири - XX аср бошларида қорақалпоқларнинг анъанавий турмушига оид буюмлар, жумладан, ўтов ва унинг барча ички жиҳозлари, қорақалпоқлар яшайдиган турли ҳудудларга хос анъанавий кийим-кечаклар, гиламчилик маҳсулотларининг катта ва бой коллекцияси ҳам музейга 1930 йилда келиб тушган.

² С.М.Дудин, 1900-1902. 1-б.

³ Ўзбекистон маданий мероси. Россия этнография музейи тўплами. 2017 й. 22-б.

1946 йилда музей вакили М.В. Сазонова иштирок этган экспедиция илмий фаолиятининг асосий йўналиши Хоразм ҳудуди аҳолисининг миллий маданияти, заргарлик буюмлари, урф-одатларини ўрганиш бўлган.

1948 йилда музейга Москвада ўз фаолиятини тўхтатган СССР халқлари музейининг этнографик коллекциялари берилган. Бу музей 1924 йилда мамлакатнинг энг эски - Румянцевский (1862 йилда ташкил этилган) музейининг этнографик тўплами негизида ташкил этилган. Румянцевский музейининг шаклланишида эса табиатшунослик, антропология ва этнография ишқибозлари императорлик жамияти фаол иштирок этган⁴.

1950 йиллардан бошлаб, Россия этнография музейи экспонатларни тўплаш фаолиятида анъанавий хунармандчилик ва амалий санъат эволюциясини ўрганишга ва бу йўналишдаги замонавий асарларни сотиб олишга алоҳида эътибор бера бошлаган. Ана шу кўп йиллик меҳнат натижасида музейда ўзбек амалий безак санъатининг жуда катта ва қамровли буюмлар жамланмаси шаклланган.

Бугунги кунда Россия этнография музейида Ўзбекистан халқлари маданиятига оид 20 мингдан зиёд анъанавий-маиший маданият наъмуналари мавжуд бўлиб, улар музей ташкил бўлганидан бери ўтган бир асрдан ортиқ муддат давомида тўпланиб келинган. Бу эса, ўзбек халқи маданиятини ўрганишда ҳали кўплаб илмий изланишлар олиб борилиши мумкинлигини билдирибгина қолмай, ёшларга илмий изланишлар олиб боришлари учун маъсулият ҳам юклайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Россия этнография музейи. 2002 й. 11-12 б.
2. С.М.Дудин, 1900-1902. 1-б.
3. Ўзбекистон маданий мероси. Россия этнография музейи тўплами. 2017 й. 22-б.
4. Богданов. Москвадаги Румянцев музейи. 1913. 169-б

⁴ Богданов. Москвадаги Румянцев музейи. 1913. 169-б.